E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Янги Узбекистонда янги Конститутсия

Раҳмонов Равшабек Алишер ўғли

Термиз Давлат Университети Юридик факултети

Юриспруденсия таълим йуналиши

121-гурух талабаси

raxmonovravshanbek82@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар, хусусан қонунлар қабул қилиниши, Конституциявий ислоҳотлар, шунингдек, янгиланаётган Конституцияда белгиланаётган янги норма ва ҳуқуқлар ҳақида сўз боради. Янги замонда янги Конституцияда инсон ҳоҳиш-иродаси асосида таклифлар йиғилгани, ушбу таклифлар асосида қонун лойиҳаси қабул қилингани, шундан сўнг халқ муҳокамасига қўйилиши ҳақида маълумот берилади.

Замон жадал ривожланиб бораётган бир даврда инсонларнинг эхтиёжлари хам хар сохада купаймокда. Дунёда глобаллашув жароёни кучаймокда . Шу уринда глобаллашув нима эканлигига тухталиб утишимиз керак. Глобаллашув - бутун дунёда содир булаётган сиёсий, иктисодий, маданий омилларнинг хар жихатдан якинлашишини тушунамиз. Яъни дунё мамлакатларини хар жабхадан якинлашидир. Глобаллашув даврида еканмиз, биз хам мамлакатимизда куплаб янги ислохатларни амалга оширишимиз керак. Ҳозирда мамлакатимизда муҳим сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Амалда мамлакатимизда кабул килинаётган янги конунлар, карорлар ва норматив хужжатлар инсон кадр-киммати, инсон шаъни ва инсонни улуглаш каби мавзуларда яратилмокда. Хозирги кунда инсонларнинг хукук ва еркинликлари устунлиги принсипи асосида янгича ёндашув билан давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Инсон қадри тамойили асосида, унинг қадр-қимматига бўлган давлатнинг муносабатини йилга ном берилишида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, 2021 - йили "Ёшларни куллаб кувватлаш ва ахолини саломатлигини саклаш" йили, 2022- йил " Инсон кадрини улуглаш ва фаол махалла" йили ва 2023 - йил эса "Инсонга эътибор ва сифатли таълим " йили деб номланиши хам бежизга эмас. Хозирги кунда Конунчилигимизда жуда катта узгаришлар булмокда. Энг асосийси комусимиз хисобланган Конститутсиямизга катта узгартиришлар киритилмода. Конституциявий ислоҳотлар натижасида амалдаги Конституциямизнинг 65 фоизи ўзгармокда. Шунингдек, инсон ҳуқуқларига янгича ёндашув билан қатор ўзгаришлар киритилаётганлиги, хусусан ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларга янги нормалар асосида кафолатланиши демократик давлат сифдатида халқ хохиш-иродасини ифода этмокда. Конституциямизнинг инсон ҳуқуқлари жиҳатидан ўзгариши мамлакатимиз тараққиётини, шунингдек, эртанги кунини белгилаб бермокда.

Янгиланаётган Конституциямиздаги муҳим ўзгаришлар қуйидагича:

Янги Конститутсиямизда 6 булим 27 боб ва 155 моддадан иборат.

Асосан узгаришлар инсон кадрини улуглаш, инсонларни саломатлигини асраш ва ёшлар сиёсати буйича булмокда. Конститутсиямизга киритилган узгаришларни келтириб утамиз:

Ташки сиёсатда хам баъзи узгаришлар киритилган. Яъни, ташки сиёсатда мустакил давлатлар ва халкаро ташкилотлар билан икки ва куп томонлама муносабатда булиши таъкидлаб утилган. Узбекистонимиз тинчликсевар юрт еканлиги хам таъкидлаб утилган.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Аввалги Конституцияимизни 26-моддасида назарда тутилган, яъни гумонланаётган шахсни айби судда исботланмагунча у айбдор хисобланмайди деган бандида жуда катта узгаришлар киритилди. Бундан ташкари Конституцияимизга айбсизлик презумсияси хакида 4 модда киритиб утилди. Гумонланаётган шахсга куйидаги хукуклар берилди:

сукут саклаш,

судда, тергов вактида адвокати билан иштирок етиши,

таржимон фаолиятидан фойдаланиши,

гумонланаётган шахсни суднинг карорисиз 48 соатдан ошик вактда ушлаб туриш такикланганли,

айбланаётган шахс хар кандай холатда адвокат фаолиятидан фойдаланиши керак ёки давлат томонидан адвокат билан таъминланиши шарт.

Хар бир шахс бепул тиббий хизматдан фойдаланиши мумкин . Шу сохада хам катта узгаришлар булди.

Таълим тугрисида хам жуда катта узгаришлар киритилди. Мамлакатимизда таълимни ривожлантириш учун юртимиздаги нодавлат мактаб ва университетларни давлат таълим муассасалари билан тенг хукукли деб эълон килинди. Бу жуда яхши! Чунки бундай нодавлат мактаб ва универсететлар канча куп булса, юртимизда таълим сохасида ракобат кучли булади. Ракобат бор ерда хар доим ривожланиш булади. Ёкорида келтириб утилган Конституцияимиздаги узгаришларни тасдиклаш учун 2023-йилнинг 30 апрел кунида юртимизнинг барча худудларида референдум булиб утади. Шу уринда референдум нима деган савол келади? РЕФЕРЕНДУМ бу конун хужжатларини ёки давлат ахамияатига молик масалаларни халк томонидан овоз бериш йули билан хал килинадиган билдиришнома.

Шу уринда яъна бир савол пайдо булади, сайлов билан референдумни нима фарки бор? Иккаласида хам халк овоз бериши керак-ку?

САЙЛОВда юртимиздаги партияларни хар биридан номзод курсатилади . Ва номзод килиб курсатилган шахсларга овоз берилади . РЕФЕРЕНДУМда эса давлат ахамиятига молик бирон бир масалага овоз берилади. Мана шу референдум муносабати билан Республикамизнинг барча худудларида "КОНСТИТУТСИЯ МЕНИКИ, СЕНИКИ, БИЗНИКИ , КОНСТИТУТСИЯ УЗИМИЗНИКИ " шиори остида тадбирлар утказилмокда. Шу муносабат билан бизнинг университетимизда хам "КОНСТИТУТСИЯ МЕНИКИ, СЕНИКИ, БИЗНИКИ КОНСТИТУТСИЯ УЗИМИЗНИКИ " шиори остида катта тадбир утказилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси

3. Конституциявий ҳуқуқ дарслиги